O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
JARQO'RG'ON TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ДЖАРКУРГАНСКОГО РАЙОНА

190600, Jarqo'rg'on tumani, O'zbekiston k. 13; tel: 0 (376) 432-10-94 fax: 432-10-08

2018 yil «11» январ

К-37 -sonli

Жарқўрғон туманининг 2018 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сон қарори ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги 35/1-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги "2018 йилга мўлжалланган туман маҳаллий бюджетининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 35/1-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2018 йил учун Жарқўрғон тумани бўйича бюджет даромадларининг режа кўрсаткичлари 1"А" ва 1"Б" –иловаларга мувофиқ;

туман маҳаллий бюджети харажатларининг режа кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

2018 йилда вилоят бюджетидан ажратиладиган мақсадли трансфертлар, туман маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатларининг ҳажмлари 3-иловага мувофиқ;

умумдавлат солиқлари тушумларидан туман маҳаллий бюджетига 2018 йил учун ажратмалар меъёри 4-иловага мувофиқ;

2018 йил учун туман маҳаллий бюджети айланма касса маблағининг энг кам чегаравий миқдори ҳажми 5-иловага мувофиқ;

3. Туман маҳаллий бюджетининг даромадига қўшиладиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар маҳаллий бюджет параметрларида кўзда тутилмаган харажатларга йўналтирилишига йўл қўйилмасин.

4. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларидан фойдаланувчиларнинг харажатлар сметаси тузилаётганда биринчи навбатда иш ҳақи (ягона ижтимоий тўлов билан бирга) ва унга тенглаштирилган тўловларга сарфланадиган харажатлар туман бюджетининг тасдиқланган параметрлари доирасида амалга оширилсин.

5. Вилоят бюджетидан бюджет ссудаларни олиш учун сўровнома билан мурожаат килганда, уларни копланш муддати ва манбалари тўгрисида тўлик ахборот тақдим этиш лозимлиги эътироф этилсин.

6. Ушбу карорнинг бажарилишини назорат килишни ўз зиммамда колдираман.

Туман хокими в.в.б. А.Рахматов